

**Хозирги замон фалсафаси ва
унинг асосий оқимлари.**

Режа:

- 1. Хозирги замон фалсафасининг асосий тамойиллари.
- 2. Экзистенциализм фалсафаси.
Феноменология фалсафаси.
- 3. Позитивизм фалсафаси.
Неопозитивизм ва постпозитивизм
гоялари. Эмпириокритицизм фалсафаси.
- 4. Хаёт фалсафаси. Хозирги демократик
мамлакатларда инсон яшашининг
тамойили сифатида. Гарб
мамлакатларида жамият фалсафаси.

Хозирги замон фалсафасининг ЭНГ
асосий тамойиллари
умумисонийликнинг устуворлиги,
унинг миллийлик билан уйғуналиги,
демократик эркинликлар, инсон
қадри, бирор таълимотни
мутлақлаштирмаслик, бағрикенглик
ва толерантлик ҳозирги фалсафий
таълимотлар ранг – баранглиги

ХХ асрнинг 30 – йилларига келиб
“экзистенцион фалсафа” ривож-
ланди. Экзистенция – мавжуд
бўлмок демакдир.

Экзистенциализм вакиллари 2
йўналишга бўлинади:

- 1) Дунёвий (Хайдегер, Сартр,
Камю).
- 2) Диний (Ясперс, Марсель)

Хайдегер, Сартр, Камюларнинг
таълимотига кура инсон
узининг яратиш жараёнини узи

эркин амалга оширади.

Инсоният олдида улкан
имкониятлар мавжуд булиб,
уларнинг кайси бирини
танлашда у эркинdir.

Диний экзистенциализм вакиллари фикрича, инсон уз эркин фаолияти давомида худога қараб унга етишиш учун коинот томон харакат килади. Хакикий Эркинлик инсонга тахликали онларда, ташвишда, ёлгизликда намоён булади. “Тахлика”, масъулият соф эркинликнинг узиdir, факат шундай шароитда инсон узини тулалигича англайди. Хаёт, улим, куркинч, даҳшат тушунчалари бу таълимотнинг марказий тушунчалариdir.

Феноменология фалсафаси – XX
аср фалсафасидаги йуналиш.

Асосчиси Гуссерль.

Феноменологиянинг марказий
тушунчаси онгнинг
“интенционаллиги” (унинг
объектига йўналтирилганлиги) –
“субъектсиз объект йук” деган
субъектив идеалистик тамойилни
мустахкамлашдан иборат.

Позитивизм вакиллари (Ж.С. Милл, Т. Спенсер)нинг фикрича билиш, тажриба, субъект, объект муносабати, нарса, субстанция, вокеликнинг унсурлари, физиологик ва психологик жараёнларининг узаро алокадорлиги масалалари соф метафизик муаммолар булиб, улардан воз кечиш максадга мувофикдир. Позитивизм ривожланиши натижасида неопозитивизм оқими вужудга келди.

Неопозитивизм Гарбда XIX асрнинг 20 – йилларида пайдо булган асосчиси Огюст Кантдир. Унинг фикрича, фалсафа аник фанлар тараккиётисиз, мавжуд була олмайди. Фалсафа – объектив реалликни эмас, балки аник фанлар килаётган илмий, ижобий (позитив) хуносаларни урганиб, тахил килиб, уларни мантикан бир тартибга, системага солиш керак. Фалсафанинг узининг мустакил равища обьектив дунё тугрисида хеч кандай аник билимлар бериши мумкин эмас, у шу пайтгача йигилган билимларни формал логика конунлари асосида тахлил этиши ва кайта бахолаши, уни “абсолют гоя, рух” тугрисидаги ортикча фикрлардан тозалаши ва янги фалсафани яратиш керак, деб таълим беради.

Герменевтика – жамият кишилар уртасидаги мулокотга асосланади.

Мулокот жараёнида маданий, тарихий ва илмий кадриятлар яратилади. Шунинг учун фалсафанинг асосий вазифаси хаётнинг маъносини, мохиятини кишилар уртасидаги мулокотдан кидиришдан иборат.

Хаёт фалсафаси – хаёт мазмуни,
максади ва кадр – киммати
хакидаги муаммоларни урганувчи
фалсафий оким.

Хаёт фалсафаси хаётнинг
мохиятини унинг узидан англаб
олишга интилади. У хис – туйгулар
ва инстинктларни улуглайди, аклни
танкид ва инкор килади.

Эмпириокритицизм – тажриба –
танкид. Авенарус (1843 – 1896)
асос солди. Эмпириокритицизм –
бошлангич нұқтаси “соф тажриба”
булиб, у субъектив хам, психик
хам, физик хам булмаган
борлыкдир.

Дунё «бетараф элементлар»,
яъни сезгилар комплекси
(мажмуи)дан иборат.

Фаннинг жамият хаётидаги урнини белгилашва унга нисбатан муносабатга караб, замонавий фалсафий таълимотларни 2 йуналишга ажратиш мумкин.

- 1) - сциентизм (лот – sciehta – фан) мавжуд барча ижтимоий муаммоларни хал этиши мумкинлигини белгиловчи фалсафий дунёкараш;
- 2) – антисциентизм, фан тараккиёти жамият хаётига салбий таъсир курсатишини асословчи фалсафий дунёкараш.

Неотомизм – ХХ асрдаги энг йирик диний фалсафий оким булиб, у урта асрлардаги (ХIII аср) Фома Аквинскийнинг таълимотини кайтадан тиклади. Бу таълимотга кура, илм ва эътиқод уртасида тула мувофикалик, уйгунлик бор. Улар бир – бирини тулдириб туради, хар иккиси хам худо томонидан берилган хакикат

Прагматизм – АКШда кенг таркалган. “Фойдага” кандай килиб эришиш йуллари ва усуллари хакида мурохаза юритувчи таълимотдир. Бунда “Фойда” тушунчаси “тажриба”, “хакикат” тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Марксизмнинг ижтимоий фалсафаси капитализмда синфий курашнинг мутлак антагонизм даражасига кутарилиши ва шу йул билан синфсиз жамиятга утишини таргиб киладиган, реал хаётни акс эттирмайдиган назариядир. У борлик тушунчасини материя билан айнанлаштирган, рухни бутунлай инкор килган, материализм ва атеизмни мутлоклаштирган.

Topic 5.

Current era's world philosophy and its main flows.

Heirship in current world's philosophy. Philosophy of positivism. Philosophy of life in current democratic countries. The essence of notion of existence. Category of material.